

СЎЗ САНЪАТИ ЖУРНАЛИ  
JOURNAL OF WORD ART  
ЖУРНАЛ ИСКУССТВО СЛОВА

**"БОБУРНОМА" АСАРИДАГИ ҲАРБИЙ ТЕРМИНЛАР ВА ИНГЛИЗЧА  
ТАРЖИМАЛАРИНИНГ ҚИЁСИЙ ТАҲЛИЛИ**

**Тешабоева Зиёдахон Қодировна,**  
Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети  
Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

**For citation:** Teshaboyeva Ziyodaxon. Military terms in "Baburnoma" and a comparative analysis of their English translation. International Journal of Word Art. 2019, vol. 1, issue 14, pp. 92-98



<http://dx.doi.org/10.26739/2181-9297-2019-1-14>

*Келиб тушган сана 20 март, 2019*  
*Эълон қилинган сана 31 март, 2019*

**АННОТАЦИЯ**

Мумтоз асарлар таржимаси ўта мураккаб ва долзарб. Аждолларимиз меросини мутаола қилиш, уларни ўрганиб ҳаётга татбиқ этиш илмда янги йўл очишдан кўра афзалроқдир чунки мутафаккирлар ижоди, уларнинг гоялари ҳаёт учун старли сабоқ бўлади. "Бобурнома" аслияти, услуби ва лексикаси кўплаб тадқиқотчилар учун тадқиқот манбаи бўлган. Тадқиқотчи, сўз бирикмаси "такаллуф" ҳақидаги ҳарбий терминлар бир эмас бир неча мисолларда изоҳланади. Улар Жон Лейден-Вильям Эркин (1826), Анетта Сусанна Бевериж (1921) ва Вильер Текстон (1996)нинг инглизча таржималарида қиёсий таҳлил этилади. "Бобурнома" да қўлланган "такаллуф"нинг маъно товланиши ва ҳарбий терминда ҳам ифодаланишини аниқ мисолларда ёритиб берилади.

**Таянч сўзлар:** "Бобурнома", фразеологик бирлик, сўз бирикмаси, такаллуф, ҳарбий термин, аслият, табдил, инглизча таржима.

**СОПОСТАВИТЕЛЬНЫЙ АНАЛИЗ ВОЕННЫХ ТЕРМИНОВ И АНГЛИЙСКИХ  
ПЕРЕВОДОВ "БОБУРНАМЕ"**

**Тешабоева Зиёдахон Қодировна**  
Доктор философии филологических наук (PhD) УзГУМЯ

**АННОТАЦИЯ**

Перевод классических произведений по сей день не теряет своей актуальности и сложности. Изучение наследия предков, претворение в жизнь их положительного опыта лучше, чем открытие новых путей в науке, потому что в творчестве мыслителей прошлого, в их идеях достаточно жизненной мудрости. Оригинал "Бабурноме", его стиль и лексика явились источником анализа для многих исследователей. В статье военные термины комментируются исследователем на целом ряде примеров. В частности, приводится сравнительный анализ военных терминов в английских переводах Жон Лейден-Вильям Эркина (1826), Анетты Сусанны Бевериж (1921) и Вильера

Текстона (1996). На конкретных примерах обосновано, что смысловые оттенки такаллуфа, примененного в "Бабурнаме" выражены и в военных терминах.

**Ключевые слова:** "Бабурнаме", фразеологические единицы, словосочетания, такаллуф, военная терминология, оригинал, варианты английских переводов.

## MILITARY TERMS IN "BABURNOMA" AND A COMPARATIVE ANALYSIS OF THEIR ENGLISH TRANSLATION

**Teshaboyeva Ziyodaxon Qodirovna**

Uzbekistan State World Languages University Doctor of philosophy on philological sciences

### ANNOTATION

The translation of classic works is extremely complicated and crucial. The study of the heritage of our ancestors, and their application to the real life is more important than to discover new methods in science, since the creativity and ideas of the intellectuals may truly be considered a life lesson for younger generation. The original style and lexicon of Baburnoma have been a source of study for many researchers. The following paper examines the military terminology of "takalluf" (formality) based on several examples. They have been analyzed in a comparative plan in the English translations of John Leiden - William Erkin (1826), Anetta Susanna Beverage (1921) and Viler Texton (1996). The semantic diversity of the "takalluf" in Baburnoma and its seme as a military term were illustrated on particular examples.

**Key words:** "Boburnoma", phraseological unit, collocation, formality, military term, originality, English translation.

Республикамизда амалга оширилаётган туб ўзгаришлар жамият ҳаётининг барча соҳалари учун кадрлар тайёрлаш ишини замонавий даражада олиб боришни талаб этади. Шу сабабли мутахассислар тайёрлаш жараёнида илғор таълим технологиялардан унумли фойдаланишни ташкил этиш долзарб масалалардан биридир.

"Таълим тўғрисидаги қонун, "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури"нинг амалиётга татбиқ этилишини таъминлаш замонавий даражада билим, кўникма ва малакага эга бўлган бўлғуси мутахассисларни тайёрлаш эса Ўзбекистонни ривожланган мамлакатлар қаторидан ўрин олишига имкон яратади. Биз ривожланган бозор иқтисодиётига асосланган замонавий давлат қуриш йўлига қадам қўйиб, кучли давлатдан кучли фуқаролик жамияти сари изчиллик билан ўтишни таъминлар эканмиз, фақат миллий ва умумбашарий қадриятлар уйғунлиги заруратини теран англайдиган, замонавий билимларни, интеллектуал салоҳият ва илғор технологияларни эгаллаган инсонларгина ўз олдимизга қўйган стратегик тараққиёт мақсадларига эришиш мумкин эканлигини ҳисобга олишимиз лозим [1].

Таълим жараёнида таълим олувчилар диққат марказида бўлишни таъминлаш учун таълим муассасаларига ўз соҳасидаги билимларни мустақкам эгаллашдан ташқари замонавий педагогик технологиялар ва интерфаол таълим методларини билладиган, улардан ўқув ва тарбиявий машғулотларни ташкил этишда самарали фойдалана оладиган ўқитувчилар керак [3; 4]. Бунинг учун миллий-маданий қадриятларни ўзида мужассам этган, миллатни жаҳонга танитишда ўз касбининг моҳир устаси бўлган баркамол авлодни тарбиялашда фидойи кадрларни тайёрлашни талаб этади.

Барчамизга маълумки, юксак маънавият ва маданият эгаси бўлган, теурий шахзода Заҳриддин Муҳаммад Бобур "Бобурнома" асари билан жаҳон маданияти, дунё халқларининг тарихи, адабиёти ва санъатини бойитишда беқисс ҳисса қўшган. Унинг асарлари асрлар давомида жаҳон халқлари томонидан чуқур ўрганилган ва ўрганилмоқда, авлоддан авлодга ўтиб, кўплаб дунё тилларига таржима қилинмоқда.

"Бобурнома"да XV аср охири - XVI аср бошларидаги Марказий Афғонистон ва хусусан Ҳиндистон ярим ороли тарихий этнографияси, географик жойлашиш ўрни,

ўсимлик ва ҳайвонот дунёси, одамларининг яшаш тарзи, маданияти, тили, дунё қарашлари ҳақида муҳим маълумотлар берилган бўлиб, ушбу асар кўп асрлардан бери дунё тарихчилари, тилшунослари ҳамда бошқа соҳа вакилларининг диққат-этиборини тортиб келган.

Ушбу асар яратилганидан буён адабиётшунослик, тилшунослик, таржимашунослик ва қиёсий типология каби фан соҳаларида ҳам тадқиқотчи олимлар томонидан кенг қамровда ўрганиб келинмоқдаки, бугунги кунда ҳам ечим топиши лозим бўлган таржиманинг бошқа муаммолари ушбу асар таржималари орқали барҳам топаётгани кун тартибининг бош масалаларидан бири бўлиб турибди.

Бобур шахси ҳақида гапирилганда, у буюк саркарда, черик элига ибрат бўлган сергайрат қор тепувчи ва бардошли сардор, ўзидан ёши улуг аскарари иситмалаб қолган маҳал, ярим тунда гордаги ўрнини бўшатиб берган жавонмард шахс англашилади. У черик элига қўшилиб, "Дўстлар билан бирга бўлган ўлим тўйдир" дейди. У ушбу мақол билан, дўстлар билан чеккан захмат, ҳатто ўлим ҳам осон кечилиши таъкидлайди. Асардаги мақол, матал, нафақат фразеологик бирлик, қолаверса ундаги лексик бирликлар, сўз бирикмалари ҳам том маънода турлича талқин этилади.

"Бобурнома"даги фразеологик бирлик ва сўз бирикмаларининг ҳарбий термин мазмунида қўлланиши, бугунги кунда архаик сўзлар қаторидан ўрин олган ва инглизча таржималарда қай тарзда акс этишини очиб бериш қизиқарли жараёндир. Зеро, "Бобурнома" ҳарбий терминларга бойдир.

Асарда бетакаллуфона келмоқ (расмий нишонсиз келмоқ), банд қилмоқ (асир олмақ), гургоштироқ қилиб ёнмоқ (нари бери сулҳ тузган бўлиб қайтиб кетмоқ), илгорини яхши босмоқ (лашкарини яхши босмоқ), пиёзи тегурмоқ (бировни гурзи билан урмоқ), киши қора олдурмоқ, (бирор кишини йўқотмоқ), мардона иш қилмоқ (мардларча иш қилмоқ), саркашлик мақомиди бўлмоқ (мол бермай бош тортмоқ ёки пайсалга солмоқ), сипоҳийликни тарк қилмоқ (амалдорликни тарк қилмоқ) каби ҳарбий термин мазмунини қамраб олган

фразеологик бирлик, лексик бирлик ва сўз бирикмалари ҳам кўп қўлланадики, ҳозирда архаик сўзлар қаторидан ўрин олган ва мазмун жиҳатидан воқеа ҳодисаларни тасвирий ва образли ифодалашда муаллиф томонидан қўлланилиши муҳим аҳамият касб этган. Масалан, "Бобурнома"даги қуйидаги бир мисолни олайлик.

Кечроқ бир неча отлик Деҳи Афгон саридин йўл била шахр сари ўтуб борадур. Таҳқиқ қилилди: Дарвеш Муҳаммад сорбон экандурким, Мирзохон қошидин элчиликка келадур экандур, том устидин чорладук. Дейдиларким, тўра ва тўқа била элчилик қилурни қўйгил, бетакаллуфона келгил! [5;174].

Матн ўқувчига тўлиқ тушунарли бўлиши учун ушбу парчанинг ҳозирги ўзбек тилидаги табилини ҳам келтирамиз:

Кечроқ бир неча отлик Деҳи Афгон тарафдан йўл бўйлаб шаҳар томонга ўтиб кетаётганди. Суриштириб билдик - Дарвеш Муҳаммад сорбон экан Мирзохоннинг қошидан элчиликка келаётган экан, том устидан чорладик. "Қонун-қоида билан амалдорларча элчилик қилишни қўй, такаллуф қилмасдан келавер!" дедик [6;179].

Муаллиф такаллуф қилмасдан келмоқни расмиётчилик қилмасдан, бемалол келиб қўшилиш, улар билан тановвул қилишни назарда тутган. Чунки ҳар бир давр ўзига хос, ва касбига мос давлат иш юритиш тартиби, қонун-қоидаси ва яшаш тарзига эга бўлган. Идиоматик мазмунга эга гап бетакаллуфона келгил! "Бобурнома"нинг 2008 йилдаги қилинган табилида (юқоридаги) ҳам такаллуф қилмасдан келавер! деб берилади. Бундан ташқари муаллиф такаллуф, бетакаллуфона сўзларини асарда кўп маротаба қўллайди, такаллуф сўзининг ўзи қуйидаги байтда ҳам акс этганлигини кўришимиз мумкин.

Такаллуф ҳар неча суратта бўлса ондин ортиқсен,

Сени жон дерлар, аммо бетакаллуф жондин ортуқсен [6;88].

Ушбу мисолда ҳарбий мазмунда эмас балки, мақташ яъни, бадий такрор ташбеҳни англатади, юқорида қайд этилган мисол мазмунидан фарқ қилади. Биринчи сатрдаги Такаллуф ҳар неча суратта бўлса ондин ортиқсен - Агар суръатни шу қадар

чиройли чизилганлигини мақтасам ҳам сен ундан чиройлисан; Сени жон дерлар, аммо бетакаллуф жондин ортуқсен - Сени жон деб аташади, лекин ҳақиқатдан муболагасиз жондан ҳам азизсан, деган мазмун англашилади. Бу мисолдан кўрамизки, Такаллуф ҳарбий терминдан фарқли ўлароқ бадийий ифода мазмунида акс этган.

"Бобурнома" инглиз тилига кўп мартаба ўгирилган. Ўша бир неча инглизча таржималар орасида Жон Лейден-Вильям Эрскин (1826), Анетта Сусанна Бевериж (1921) ва Вильер Текстон (1996)нинг таржималари адекват таржима деб тан олинган, улар орасидаги йиллар фарқи, давр таъсири сезиларлидир. "Бобурнома" инглиз тилига қайта-қайта таржима қилинишига эҳтиёж туғилган экан, унинг бугунги кунда ўзимиз ўрганишга бўлган эҳтиёж чет эллик таржимонларникидан кам эмаслигини таъкидлаган ҳолда мақоламизда ҳарбий терминларнинг бошқа терминлардан фарқи ва таржималарини қиёсан ўрганиш мақсад қилиб қўйилди. Шунингдек, юқорида келтирилган Кечроқ бир неча отлик Деҳи Афғон саридин йўл била шаҳр сари ўтуб боралур. Таҳқиқ қилилди: Дарвеш Муҳаммад сорбон экандурким, Мирзохон қошидин элчиликка келадур экандур, том устидин чорладук. Дейдиларким, тўра ва тўқа била элчилик қилурни қўйил, бетакаллуфона келгилни! "Бобурнома"нинг 1826 йилда Жон Лейден-Вильям Эрскин ва Вильер Текстон (1996)нинг инглизча таржимасига эътибор қаратамиз.

Жон Лейден-Вильям Эрскин таржимаси:

When it was rather late, some horsemen were observed coming along the Deh-Afghanan road, proceeding to the city. I ascertained that they were Derwish Muhammad Sarban and his people, who were coming on an embassy from Mirza Khan we sent for him up to the terrace. "Put aside the form and state of an ambassador," said, I, "and sit down and join us without ceremony" [8; 269]. - Кеч кирган пайт бир неча отлик аскар Деҳидан Афғон томон шаҳарга кетиш йўлида шаҳарга кетаётганлиги кузатилди. Мен аниқладимки, бу Дарвеш Муҳаммад Сорбон ва одамлари билан Мирзахондан келаётган элчилар эди, биз айвондан туриб,

унга одам юбордик. "Элчилик ва формангизни қўйинг", дедим мен ва "ўтиринг ва ҳеч бир расмийчиликсиз билан бизга қўшилинг".

Асарнинг 1921 йилда Анетта Сусанна Бевериж таржимаси:

Rather late a few horsemen were observed, going from Dih-i-afghan towards the town. It was made out to be Derwish-i-muhammad Sarban, on his way to me as the envoy of Mirza Khan (Wais). We shouted to him from the roof, Drop the envoy's forms and ceremonies! Come! come without formality! [4; 401,402]. - Бир неча отлик Деҳидан Афғон томон, шаҳарга кетаётганида анча кеч кириб қолганди. Хабар топишдики, Дарвеш Муҳаммад Сорбон Мирзахондан менга элчиликка келаётган эди. Биз унга томдан бақирдикки, "Элчилик нишонингиз ва расмийчилигингизни ташланг! Келинг! расмийчиликсиз келинг!"-деб акс эттирган.

Сусанна Бевериж таржимасида жой номлари (Dih-i-afghan, Derwish-i-muhammad Sarban) ва тарихий шахс исмларини хато ёзади, шунга қарамай берилган парчадаги бетакаллуфона келгилни! Drop the envoy's forms and ceremonies! Come! come without formality!-тарзида анча яхши ўгиради. Баъзи таржималарни кўздан кечирганда япон олими Киото университетининг профессори Эйжи Манонинг "Сусанна Бевериж таржимаси бадийий жиҳатдан анча яхши дейиши ҳам нисбатан тўғри эканига ишонч ҳосил қиламиз.

Юқоридаги аслият мисолини 1996 йилдаги Америкалик таржимон Вильер Текстон қуйидагича ўгиради:

It was rather late, when several horsemen could be seen approaching the city from the direction of Deh-i-Afghan. We realized it must be Darwesh-Muhammad Sarban coming as an envoy from Mirza Khan. We called to him from the roof, saying, "Take off your emissary's badge and buckle [9; 287]. - Бир неча отлик Деҳи йўналишидаги Афғон томонга қараб кетаётганида анча кеч кириб қолган эди. Биз бу Дарвеш Муҳаммад Сорбон Мирзахоннинг элчиси эканлигини билдик. Биз уни томдан "элчилик нишонингизни ва камарингизни ечиб келинг!" деб чақирдик.

Вильер Текстон бетакаллуфона келгилни

ўта қисқаликка эътибор қаратган ҳолда, "Take off your emissary's badge and buckle"-элчилик нишонингизни ва камарингизни ечиб келинг! тарзида таржима қилган ва камар - buckle сўзи матн тасвирий жиҳатини таъминлашда, мазмун муаносиблигини вужудга келтирган. Аксарият ҳолларда у таржиманинг муқим фикрлик ва қисқаликка риоя қилиши кузатилади. Унинг таржимаси равои ўқилади ва бугунги кун китобхонининг тушунишига ҳам қулай.

Бу мисолларда бетакаллуфона келмоқни Жон Лейден ва Вильям Эрскинлар Put aside the form and state of an ambassador-"Элчилик ва формангизни қўйинг" деб акс эттирса, Сусанна Бевериж ва тўлиқ гапнинг мазмуни бетакаллуфона келгил!ни Drop the envoy's forms and ceremonies! Come! come without formality!-"Элчилик нишонингиз ва расмиятчилигингизни ташланг! Келинг! расмиятчиликсиз келинг! дея ифода этади ва ҳарбий нутқ мазмунини таъминлашга ҳаракат қилган. Вильер Текстон замонавийликка ва қисқаликка эътибор қаратиб, бетакаллуфона келгил!ни "Take off your emissary's badge and buckle"-элчилик нишонингизни ва камарингизни ечиб келинг! деб акс эттирган. Таржималардан кўринадики, ҳар бир таржимон аслият матни мазмунига беъътибор эмас ва ўзларининг таржима вариантини яратиш уч хил таржимани юзага келтирган.

Асарда қўлланган яна бир бошқа бетакаллуфона сўзининг ҳарбий муҳитдан мутлақо йироқ ва мазмуни фарқ қилишини кузатайлик: Ёқа ерда улгайгон учун чодир ва ўлтурур ери бетакаллуфона ва қазақона эди. Қовун ва узум ва рикобхона ашёси тамом ўзи ўлтурур чодирда-ўқ эди [5; 94].

Ушбу аслият табилии қўйидагича:

Чекка ерда улгайгани учун чодир ва ўтирар ери кўримсиз ва кўчманчиларга хос бўлиб, қовун, тузум ва от абзаллари ҳам ўзи ўтирадиган чодирнинг ичида эди [6; 92].

Бу мисолдаги бетакаллуфона сўзи насрий матнда кўримсиз - қазақона - кўчманчи маъносида келмоқда.

Асарда банд қилмоқ фразеологик бирлиги қўлланган бўлиб, компоненти феъл фразеологик birlikдан ташкил

топган мисолларни ҳам келтириш мумкин.

Обузджим олилди, бўлдура олмай тонгласиға амон тилаб чиқтилар. Танбалнинг иниси Халил бошлиқ етмиш-саксон-юз ўбдон кишини банд қилиб, Андижонга йиборилдиким, эҳтиёт била сахлагайлар [5; 71]. - Тарнов атрофи ишғол қилинган, эрталаб душманлар омонлик тилаб қалъадан чиқдилар. Танбалнинг иниси Халилни етмиш-саксон, балки юзта сараланган одами билан асир олиб эҳтиёт билан қўриқлаш учун Андижонга юборилди[5;68].

Банд қилмоқ - асир олмоқ; кишанлаб олмоқ мазмунида қўлланган. Банд қилмоқ жумласини уч турдаги инглизча таржимада кузатамиз:

Жон Лейден ва Вильям Эрскинда: ... next morning, they asked for quarter and surrendered the place. Khalil, the younger brother of Tambol, who was in command, with seventy, eighty, or a hundred of the most active young men, were kept as prisoners, and sent to Andejan to be put in close custody [8; 72]. - кейинги куни эртаси улар озгина жойда айланиш учун рухсат сўраб чиқдилар. Танбалнинг кичик укаси Халил етмиш-саксон, ёки юзта бақувват одами билан асир олинган эди ва уларни зиндонга ташлаш учун Андижонга юборилди

Аннетта Сусанна Беверижда: ... next morning, as they could not hold out after losing the water-thief, they asked for terms and came out. We took 60 or 70 or 80 men of Khalil's command and sent them to Andijan for safe-keeping; [4; 109]. - ... кейинги куни эртаси улар сув ва овқати йўқлиги туфайли узоқ тура олмай, ҳар хил баҳона билан ташқарига рухсат сўраб чиқдилар. Биз Халилнинг қўл остидаги 60 ёки 70 ёки 80тача одамларни Андижонга асирда ушлаб туриш учун юбордик.

Вильер Текстонда: ... next morning, they sued for quarter and emerged. Seventy, eighty, or a hundred men under Tambal's brother Khalil were put into chains and sent to Andizhan to be kept under guard [9; 81]. - кейинги куни эртаси улар юмшоқлик билан рухсат сўраб, ташқарида пайдо бўла бошладилар. Танбалнинг кичик укаси Халил бошқариб турган етмиш-саксон ёки юзта одами билан занжирбанд қилинди ва

уларни кўриқлаш учун Андижонга юборилди.

Таржималардан кўриниб турибдики, аслият матни инглиз тилида маъноси берилмоқда. Мисолларга эътибор қаратилса, банд қилмоқ термини ҳар бир таржимада ўз ифодасини айрича топганини кўрамыз. Энг яхши таржимага ўқувчи баҳо беради. Бизнингча Вильер Текстон таржимаси ҳар томонлама аслият мазмунини ёритиши билан устунлик қилади.

Абдулкаримнинг отини Маҳдий Султон черкасий қилич била санчқоч-ўқ оти йиқилди. Ўзи кўпар ҳолатда Маҳдий Султон илигини бандин тушура чопти. Ани олиб ул илғорини яхши бостилар [5; 55]. - Абдулкаримнинг отига Маҳдий Султон черкасий қилич солиб йиқитди. Ўзи тураётган ҳолатида Маҳдий Султон кўлининг тирсагидан чоғди. Уни кўлга тушириб, ўша ҳужумчи лашкарини яхши босдилар [6; 51]. Мисоллар таржимаси уч турдаги инглизча матнда берилиши.

Жон Лейден ва Вильям Эрскинда: *Abdul Kerim's horse fell with him, and, as he was in the act of rising, Mehedi Sultan struck a blow that severed his wrist; after which he took him prisoner and completely defeated the invaders* [8; 42]. - Абдул Карим оти билан йиқилиб тушиди ва тураётган маҳалда Меҳеди Султон уни ўраб олиб, билагига бир неча бор қилич урди ва босқинчиларни батамом енгди. Ушбу таржимада биз кутган илғорини яхши босмоқ гапи босқинчиларни батамом енгмоқ тарзида акс этган. Аслият матндаги тарихий шахс исми Маҳдий Султон черкасий қайси миллатга мансублиги акс этмаган яъни черкасий сифатлаш таржимада тушириб қолдирилган.

Аннетта Сусанна Беверижда: *Mahdi SI. Pricked 'Abdu'l-karim's horse with his Chirkas sword so that it fell, and as 'Abdu'l-karim was getting to his feet, struck off his hand at the wrist. Having taken him, they gave his men a good beating* [4; 65]. - Маҳди СИ (Султон) Абдул-Каримнинг отига Черкас қиличи билан шундай суқдики, у йиқилди ва оёғини кўтариб тураётган маҳалда кўлини билагидан чопиб ташлади. Кейин уларни йиқитиб, одамларига яхшигина зарба берди. Ушбу таржимада илғорини яхши

бостилар гапи яхшигина зарба берди тарзида ўз ифодасини топади. Бу ўғирмада ҳам исмининг тўлиқ ёзилмаганлиги инглизча *Mahdi SI.* (ўзбекчада шу кўринишда олинди) Маҳди СИ (Султон) ва сифатлаш шахс эмас қиличга берилади *Chirkas sword* - Черкас қилич, яъни кавказдан келтирилган қиличи билан урганини тасвирлаган.

Вильер Текстонда: *Mahdi Sultan stabbed Abdul-Karim's horse with his Circussian sword, and the horse dropped. As he was picking himself up, Mahdi Sultan lobbed off his hand at the wrist. Having seized him, they gave his troops a sound defeat* [9; 47]. - Маҳди Султон Абдул Каримнинг отига Сиркашин (черкасий) қиличи билан бир санчиб ўтди ва оти йиқилди. Ўзи тураётган маҳали, Мади Султон кўлини билагидан чопиб ташлади. Уларни таъқиб этиб, аскарларига кучли зарба берди. Илғорини яхши босмоқ инглизча *gave his troops a sound defeat*- кучли зарба бермоқ тарзида акс этган. Вильер Текстон таржимасида черкасий қилич номланиши ҳам ногўри берилган.

Аслида Черкас(лар) ёки чаркаслар - Шимолий Кавказда яшовчи халқ ҳисобланиб, "Бобурнома"да Кавказдан келтирилган қилич назарда тутилганлигини англашилади. [7; 503]. Демак, таржимада айнанлаштириш ва аслият матнини қайта яратишда баъзи гапларнинг мазмунига урғу берилгани бошқа лексик бирликлар ёки сифатларнинг йўқотилишига сабаб бўлган.

Яна бир навбат ҳам, Хиёбонда Пули Мағокта Абулқосим кўҳбур пиёзи тегурди. Яна бир қатла ҳам Хиёбонда Тарнов навоҳисидида чопқулаш бўлди [5; 56]. Табдилла: Яна бир сафар Хиёбонда Пули Мағокта (Фор кўприги) Абулқосим кўҳбур бировни гурзи билан урди. Яна бир марта Хиёбонда Тарнов мавзесидида жанг бўлди [6; 2]. Бу мисолдаги фразеологик бирлик пиёзи тегурмоқ архаик лексика қаторидан ўрин олган ҳозирги ўзбек адабий тилида оддий сўз бирикмаси бўлиб, гурзи билан урмоқдир. Матнинг уч турдаги инглизча таржимаси.

Жон Лейден ва Вильям Эрскин: *On a different occasion, in the Khiaban, at the bridge over the Moghak, Abul Kasim Kohbur laid about him with his piaz (or mace) in grand style* [8; 44]. - Моғакнинг тепасида

жойлашган кўприк устида Хиёбонда турли ҳолатда Абул Қосим Кўҳбур ўзининг пиёзини (ёки гурзи) бошқача ётқизди. Жон Лейден ва Вильям Эрскин таржимаси аслият мазмунига мутлақо зид келган. Таржимон гурзини қавсда берган, лекин кўриб турибмизки гапнинг тўлиқ мазмуни бузилган.

Аннетта Сусанна Бевериж: Another time, this also in the Avenue, at the Maghak (Fosse) Bridge Abii'lqasim (Kohbur Chaghatdi) got in with his mace [4; 68]. - Яна бир бошқа маҳал Мағок (Завур) кўпригидаги Хиёбонда Абулқосим (Кўҳбур чагатди) уни гурзи билан урди. Сусанна Бевериж исмларни турлича бериши, сўз маъносини тушунмаганлиги ва аксар ҳолларда ноганиш бирликларни қавсда таржима қилмай курсив билан ташлаб кетиш ҳоллари кузатилади. Бу эса ўқувчининг таржимани тушунишини қийинлаштириб, чалкаштириб юборди.

Вильер Текстон: Another time, on the avenue at the Mughak Bridge, Abu'l-Qasim Kohbur wielded the fail [9; 49]. - Бошқа бир маҳал Муғак кўпригидаги хиёбонда Абул-Қосим Кўҳбур жангда муваффақиятсизликка учради. Аслият мазмуни бутунлай ўзгариб кетган. Ҳарвард университети профессори Вильер Текстон пиёзи тегурмоқни-Wielded the fail-жангда муваффақиятсизликка учради тарзида нотўғри таржима қилган. Таржималар орасида исмлар, жой номлари ва бошқа лексик бирликларни хато бўлса ҳам бу мисолда Сусанна Беверижнинг таржимаси

аслиятга яқинроқлиги билан бошқа таржимадан фарқ қилган.

"Бобурнома"да фразеологик бирлик ва сўз бирикмаси тарзидаги ҳарбий терминлар кўпки, улар бугунги кунда жиддий тадқиқот олиб боришни талаб этади. Шу билан бир қаторда мисол учун киши қора олдурмоқ - бирор кишини йўқотмай ёки ўлиб қолмай жангдан соғ саломат чиқиш; сипоҳийликни тарк қилмоқ - айнан ҳарбий терминга оид бўлиб, умумий маънода эмас балки ҳарбий маънодаги амалдорликни тарк қилмоқ мазмунида қўлланади. Бу каби ибора ва мисолларни мумтоз адабиётларда жуда кўплаб келтиришимиз мумкин ва уларнинг таржимада акс эттириш ҳар қандай иқтидорли таржимонни мушкул вазиятга солиши аниқ. Бунинг учун ҳаддан зиёд адабиётларни ўрганиш нафақат она тилида ва инглиз, рус, турк тилларида ҳам ўқишни талаб этади.

Хулоса қилиб айтганда ажодларимиз мероси йиллар мобайнида Шарқ халқлари учун қудратли маънавий манбаи бўлиб келганлиги, маънавий қадриятларни тиклашимиз миллий ўзликини англаш, ўсиб келаётган ёш авлодга ўргатишимиз ва уларнинг онгига сингдиришимиз лозимдир. Давлат ишларини олиб бориш учун турли соҳа термин ва атамалари, мукамал даражада эгаллаган кадрлар, таржимон ёшларни тайёрлашимиз лозим. Дунё юзини кўрган, ўнлаб таржима тарихини бошидан кечирган "Бобурнома"ни ўқишимиз, ўрганишимиз керак бўлади.

#### ДАБИЁТЛАР:

1. Каримов И.А. Юксак билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш-мамлакатни барқарор тараққий эттириш ва модернизация қилишнинг энг муҳим шартлари./ Халқаро конференциядаги нутқ. - 2012, 18.02. (Karimov I.A. Educating a highly educated and intellectually advanced generation is the most important precondition for sustainable development and modernization of the country / Speech at an international conference. - 2012, 18.02.)
2. Каримов И.А. Маънавий юксалиш йўлида. - Т.: Ўзбекистон, 1998, 480 б.
- (Karimov I.A. Ma'naviy yuksalish yo'lida. - T.: O'zbekiston, 1998, 480 b.)
3. Авлаев О.У., Жўраева С.Н., Мирзаева С.Р., Таълим методлари - Т.: Наврўз, 2017 Б.4. (Avlaev O.U., Juraeva S.N., Mirzaeva S.R., Educational Methods - T.: Navruz, 2017 P.4)
4. Beveridge, Anette Susannah. The Babur-nama in English. Emperor of Hindustan Babur. - London, 1921. - 880 p.
5. Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома. - Т.: Шарқ, 2002. - 335 б.
- (Zahiriddin Muhammad Bobur. Boburnoma. - T.: Sharq, 2002. - 335 b.)
6. Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома. - Т.: Ўқитувчи, 2008. - 287 б.
7. Заҳириддин Муҳаммад Бобур энциклопедияси. - Т.: Шарқ, 2017. - 744 б.
- (Zahiriddin Muhammad Babur Encyclopedia. - T.: Sharq, 2017. - P. 744.)
8. Leyden John. Memoirs of Zehir-Ed-Din Muhammed Baber: Babur Emperor of Hindustan. - London, 1826. - 432 p.
9. Thackston Wh. M. The Baburnama. Memoirs of Babur, Prince and Emperor. - New York, 1996. - 554 p.